

## **КУНЖУТНИ ЭКИШ МУДДАТИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИНГ ҲОСИЛДОРЛИКГА ТАЪСИРИ**

**Б.С.Мамбетназаров., А.Б.Мамбетназаров., Ш.Қуанышбаева**  
*Қорақалпоқ давлат университети*

Кунжут (*Sezatum indicum*) ўсимлиги Марказий Осиё Республикаларида жуда қадимдан экиб келинади. Кунжут мойи энг сифатли ўсимлик мойи ҳисобланиб, унинг таркибида мутлақо инсон организми учун заарли мод-далар йук. Кимёвий таркибига кўра зайдун мойидан кей-инги ўринни эгаллайди, ўта хуш таъм ширин овқатлар тайёрланади. Бундан ташқари кунжут уруғлари таркибида оқсил кўп сақлаши билан кўпгина уруғлардан устун туради, чунки уруғлари таркибида оқсил миқдори 25–28 % [2].

Орол бўйи минтақаси тупроқ иқлим шароити-мизда мос жойлашиб қолишга сабаб шуки, унинг ту-проқ ва иқлим шароитларига чидамлилигидир. Кунжут лалми шароитида ҳам ўсиб ривожланиб яхши ҳосил бе-ради. Лалми шароитда кўпгина ўсимликларга қараганда, ҳамда кузги буғдойга қараганда ҳам кунжут экиш иқти-садий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Қорақалпоғистон шароитда кунжут деярли ер танламайди, фақатгина сугориладиган шароитда экилганда грунт сувлари юза бўлса ўсимликнинг ривожланиши суст бўлиб ва ҳосилдорликнинг кам бўлишига олиб келади [4]. Бу ўсимлик республикамида жуда қадимдан экилиб келинган бўлишига қарамасдан унинг агротехникиси, яратилаётган навлари борасида жуда кам илмий ишлар қилинган.

Кунжут агротехникиси бўйича республикада биронта тўлиқ тугалланган илмий хулоса йўқ, шунингдек биронта маҳсус лаборатория ёки илмий бўлимда агротехник ёки селекцион ишлар олиб борилмайди. Аммо бу ўсимлик минглаб йиллар давомида шу ўсимлик мойига талаб бўлгани учун дехқонларнинг шахсий томорқа-ларида етиштириб келинади. Мустақилликдан сўнг ўсимлик мойига бўлган талабнинг ошиб кетиши бизни кунжут ўсимлиги бўйича илмий иш олиб боришига унрайди.

Биз ўз тажрибамизда кунжут навлари экиш меъёрларининг ўсиш, ривожланиш ва ҳо-силдорликка таъсири ҳамда республика вилоятларидан йиғиб олинган нав намуналарининг ботаник белгилари, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги устида иш олиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани тажриба хўжалигига олиб борилган тажриба натижаларига кўра кунжут ўсимлиги экин маъёрига қараб бўйининг баландлиги барглари, ён шохлари ва кўчакчалари саналди. Экиш меъёри 3 кг бўлган пайкалларида кунжутнинг ён шохлар

бир туп ўсимлиқда 3–6 тага бўлди, бўйининг баланд-лиги 126–128 см, кўсакчалар сони 225 тагача етди. Экиш меъёри 5 кг бўлган пайкалларда бўйининг баландлиги 127–135 см бўлиб, ён шохлар сони 3–4, кўсакчалари 200–205 дона бўлди. Бир гектар 7 кг уруғ экилганда бўйининг баландлиги 130–150 см, ён шохлари 2–3 та бўлиб поялари ингичка, кўсаклари юқорида жойлашди, кўсакчалар сони 145–150 тани ташкил қилди.

Ҳосилдорлик структурасини аниқлашда шу нарса маълум бўлдики экиш меъёри кам бўлган пайкалларда бир туп ўсимлиқда ҳосил бўлган кўсакчалар сони энг кўп бўлди, ёки жаъми кўсакчалар 220–225 дона бўлиб ўртacha бир туп ўсимлиқдаги кунжут уруғи миқдори ҳам юқори бўлди. Экиш меъёри ошиб бориши билан бир туп ўсим-ликдаги кўсакчалар сони ва урувлар миқдори камайиб борди. Тажриба майдонидан энг юқори ҳосил, экиш меъёри 8 кг бўлган варианта олинди ёки ўртacha ҳосил-дорлик 27,54 га ни ташкил қилди.

Демак кунжут майдонлари кенгайиши билан аҳолига сифатли экологик тоза ўсимлик мойи етказиб берилади. Ҳозиргача биронта мойли экин кунжут каби бир гектардан кўп ўсимлик мойи бермайди. Кунжут қурғоқчилик шароитга сувсизликка чидамли, аммо сугори-ладиган шароитда 2–3 марта сугорилганда юқори ҳосил берадиган, экиш меъёри 5 кг бўлганда, уруғида мой миқдори юқори бўлган мойли экинлардан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Виноградов Б. И. Растениводство. Ташкент. Мехнат. 1989.
2. Ёрматова Д. Ё. Ўсимлиқшунослик. Тошкент. Илм-Зиё. 2018.
3. Ёқубов О. Ё. Ўсимлиқшунослик. Тошкент. Илм-Зиё. 2013
4. Лавронов Г. А. Богарное земледелие. Тошкент. Узбекистан. 1976.